

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАРАХИМОВА САОДАТ ТИМУРОВА

**ПЕРИПАРТАЛ КАРДИОМИОПАТИЯ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДАГИ ЎЗИГА ХОС МОРФОФУНКЦИОНАЛ
ЎЗГАРИШЛАР ВА МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзарахимова Саодат Тимуровна Перипартал кардиомиопатия билан оғриган беморлардаги ўзига хос морфофункционал ўзгаришлар ва медикаментоз даволаш имкониятлари.....	3
Мирзарахимова Саодат Тимуровна Особенности морфофункциональных изменений у больных перипартальной кардиомиопатией и возможности медикаментозной коррекции.....	25
Mirzaraximova Saodat Timurovna Features of morfofunctional changes in patients with peripartal Cardiomyopathy and possibilities of medicamental correction.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАРАХИМОВА САОДАТ ТИМУРОВНА

**ПЕРИПАРТАЛ КАРДИОМИОПАТИЯ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДАГИ ЎЗИГА ХОС МОРФОФУНКЦИОНАЛ
ЎЗГАРИШЛАР ВА МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.1PhD/ Tib749 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанов Равшанбек Давлатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий оппонентлар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбанов Джахангир Джамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малака ошириш институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел/факс: (+998 71) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштрилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100052, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел/факс: (+998 71) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги ўн йилликларда нокоронароген миокард касалликларини, хусусан, кардиомиопатияларни ўрганишга қизиқиш сезиларли даражада ошди. Перипартал (туғруқдан кейинги) кардиомиопатия (ПКМП) дилатацион кардиомиопатияларнинг клиник шаклларида бири сифатида ажратилади. 2006 йилдаги В.Ј. Maron синфланиши буйича ПКМП ортирилган кардиомиопатиялар гуруҳига киради (Maron В.Ј, 2006). «...Европада ПКМП тарқалиши ҳақиқий сони бўйича аниқ маълумотлар йўқ, бу эса ҳозирги вақтда ПКМП га бағишланган тадқиқотлар асосан АҚШ, Жанубий Африка ва Гаити Республикасида ва камроқ – бошқа мамлакатларда, жумладан, ПКМП жуда кам учрайдиган европа давлатларида ўтказилиши билан тушунтирилади...»¹. Шундай қилиб, ушбу патология синчковлик билан ўрганиладиган АҚШ да тарқалиш кўрсаткичи турли ҳудудларда турлича бўлиб, «... тирик туғилган 3000-4000 болага 1 ҳолат сифатида сони аниқланади, ҳар йиллик туғилиш 4 млн. Болада ошади, бу эса йилига ПКМП билан 1000-1300 бемор пайдо бўлишига мос келади...»². Ўзбекистонда туғруқлар сони йилига 730000 атрофида эканини эътиборга олиб тахмин қилиш мумкин-ки, ПКМП янги ҳолатлари йилига камида 180 аёлда ривожланади. Ҳозирги вақтда ЮЕ ва МНК бўлими иштирокида биринчи кўп марказли Европа EURObservarion Research Programme: registry on peripartum cardiomyopathy тадқиқоти якунланган, тадқиқот ПКМП билан беморлар ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш мақсадида тарқалиши, ташхисоти ва даволаш имкониятини ўрганишга йўналтирилган.

Жаҳонда перипартал кардиомиопатияли беморларда морфофункционал ўзгаришлар ўзига хослигини ва медикаментоз коррекцияси имкониятларини ўрганишга йўналтирилган қатор илмий–тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада аёлларда перипартал кардиомиопатия потенциал ривожланиш хавф омилларини ўрнатиш, перипартал кардиомиопатия ва идиопатик дилатацион кардиомиопатияли беморларда клиник кўринишларини, ЭКГ ўзгаришларини, биокимёвий профилини ҳамда юрак ичи гемодинамикасини юрак ремоделирланиши ўзига хослиги билан таққослаш, юрак етишмовчилиги клиник симптомлари ва белгиларини ва юрак етишмовчилиги стандарт даволаш фонида гемодинамика параметрларини ҳамда махсус даволаш билан комбинацияда баҳолашни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Юрак ичи гемодинамикаси параметрларини қиёсий баҳолаш, ПКМП беморлари ҳаёт сифати ва прогнозини динамикада кузатиш ҳамда касаллик ноҳуш якуни предикторларини аниқлаш зарур.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юрак-қон томир

¹Голицына Н.А., Ильина Т.Е., Королева Л.Ю., Аминова Н.В., Боровков Н.Н. Клиническое наблюдение перипартальной кардиомиопатии. Клиническая медицина. 2016; 94 (11).

²Kolte D, Khera S, Aronow WS, et al. Temporal trends in incidence and outcomes of peripartum cardiomyopathy in the United States: a nation wide population-based study. JAmHeartAssoc 2014;3:e001056.

касалликларини камайтириш ва олдини олиш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аёллар орасида юрак-қон томир касалликларни камайтириш, аҳоли орасида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик келиб чиқиш частотаси ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон «2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда тахминан 1-3% ҳомиладорларда ривожланадиган юрак-қон томир асоратлари 10-15% ҳолатларда оналар ўлимига сабаб бўлади (Lewis G.E., 2011). Кардиал сабаблар билан боғлиқ летал натижаларнинг ярмидан кўпи юрак ишемик касаллиги ва кардиомиопатиялар оқибатида юзага келади. ПКМП учраш частотаси нисбатан камлигига қарамай, леталлик даражаси юқори ва 7 дан 56% гача ўзгаради (Johnson-Coyle L., 2012). Адабиёт манбаларида келтирилган касаллик келиб чиқиши тахминий хавф омиллари кўп ҳомилали ҳомиладорлик, презклампсия, қайта (кўп ва биринчи) ҳомиладорлик, 30 ёшдан катта (баъзан кичик) аёлларда, ноқулай ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва этник келиб чиқиши ҳисобланади (Hilfiker-Kleiner D., 2012).

Бунда тадқиқотчилар фикрига кўра, ПКМП ривожланишида ҳар бир мамлакатда ўз хавф омиллари бўлиши мумкин, уларни аниқлаш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. ПКМП замонавий ташхисоти махсус клиник, ЭКГ ва ЭхоКГ мезонлари йўқлиги туфайли ўта хушёрликни талаб қилади, бу эса чап

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

коринча дисфункцияси билан кечадиган бошқа касалликлар билан қиёсий ташхисотни қийинлаштиради. Шу сабабли, ПКМП беморларида клиник кўринишлари, юрак ремоделланиши ва юрак ичи гемодинамикаси параметрларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Умуман, ПКМП даволаш тактикаси ноишемик кардиомиопатия бошқа шакллари билан таққосланиши мумкин ва юрак етишмовчилигини ўз ичига олади (Bachelier-Walenta K, 2013). Шу билан бирга махсус давони ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ўта муҳим бўлиб, махсус даво сифатида бромокриптин (пролактин ингибитори) препаратини қўллаш имкониятлари бўйича маълумотлар мавжуд (Tremblay-Gravel M, 2019).

Ўзбекистонда кардиомиопатиялар муаммоси кўпгина мутахассислар томонидан ўрганилган ва Курбанов Р.Д, Абдуллаев Т.А., Курбанов Н.А., Камилова У.К., Гадаев А.Г., Тулабаева Г.М., Хужамбердиев М.А., Аляви А.Л, Марданов Б.У., Цой И.А., Ахматов Я.Р. ишларида ёритилган.

Дилатацион кардиомиопатия касаллиги алоҳида шакллари клиник-функционал ўзига хос хусусиятларини иммунгенетик кесим билан ўзаро боғлиқлигини аниқланган ва сурункали юрак етишмовчилиги стандарт терапияси фонида касаллик динамикаси ҳамда ҳаёт прогнозини асосланган (Курбанов Н.А., 2018). Метаболик синдромда сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда кардиоваскулар ва кардиоренал ўзаро алоқаларининг ўзига хослигини аниқлаш, шунингдек метаболик синдром асосида келган юрак етишмовчилигининг самарадорли фармакотерапиясини ишлаб чиқилган (Атаходжаева Г.А., 2018). Ҳомиладорларда артериал гипертензия регулятор-генларини ўрганиш (Абдуллажанова К.Н., 2017), юрак-қон томир ремоделлаш жараёнларини аниқлаш, сув-туз алмашинувида иштирок этувчи генлар туз сезгирлиги ва генлар полиморфизмини эътиборга олиб антигипертензив терапия аспекти амалга оширилган (Абдуллаева Г.Ж., 2018). Аёлларнинг турли ёш давларида артериал гипертония кечишининг ўзига хос хусусиятларини, шу жумладан, ҳомиладорлик фонида юрак-қон томир тизимида клиник ва тизимли-функционал ўзгаришларни баҳолаш асосида эрта ташхис қўйиш, даволаш ва асоратларни олдини олиш учун аниқ ёндашувлар аниқланган (Талипова Ю.Ш., 2019).

Аммо потенциал хавф омилларини, юрак ремоделланиши ва ПКМП нинг махсус давосининг самарадорлигини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар илгари Ўзбекистон Республикасида ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббий маркази Юрак етишмовчилиги ва миокард нокоронароген касалликлари илмий-текшириш лабораторияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А10-СС-0-64746 «Юрак нокоронароген касалликлари билан боғлиқ оғир ва рефрактер юрак етишмовчилиги беморларини тизимли бузилишларни коррекциялаш

усулларини ишлаб чиқиш билан даволашнинг самарадорлигини ошириш» амалий грант бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади перипартал кардиомиопатиянинг потенциал хавф омиллари ва клиник-гемодинамик кўринишларини баҳолаб фармакологик давони гемодинамик кўрсаткичларга ва ҳаёт прогнозига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

худудимиз аёлларида перипартал кардиомиопатия ривожланиш потенциал хавф омилларини таҳлил қилиш;

перипартал кардиомиопатия ва идиопатик дилатацион кардиомиопатияли беморларда клиник кўринишларини, ЭКГ ўзгаришларини, биокимёвий профилини ҳамда юрак ичи гемодинамикасини юрак ремоделирланиши ўзига хослиги билан таққослаш;

юрак етишмовчилиги клиник симптомлари ва белгиларини ва юрак етишмовчилиги стандарт даволаш фонида гемодинамика параметрларини ҳамда бромокриптин препарати билан махсус даволаш билан комбинацияда баҳолашни амалга ошириш;

бромокриптин қабул қилиш фонида пролактин бошланғич даражасига боғлиқ юрак ичи гемодинамикаси параметрларини қиёсий баҳолаш;

кузатувнинг 5 йиллик даврида ПКМП беморлари ҳаёт сифати ва прогнозини динамикада кузатиш ҳамда касаллик нохуш яқуни предикторларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббий марказида кузатув остидаги ПКМП бўлган 93 беморлар ва кузатув гуруҳида идиопатик ДКМП билан 43 аёл маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети: беморлар анемнезини ўрганиш, клиник кузатув, биокимёвий текширувлар, 6 минутлик юриш тести, 12 стандарт нуқталарида ЭКГ, ЭКГ суткалик мониторинг, трансторакальная ЭхоКГ маълумотлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор-биокимёвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор мамлакатимиз турли вилоятларидан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт марказига госпитализация қилинган беморларда перипартал кардиомиопатиянинг потенциал хавф омиллари аниқланган;

илк бор перипартал кардиомиопатиянинг клиник кечишининг хусусиятларини юрак ичи гемодинамикаси параметрлари билан узаро боғлиқлиги исботланди;

илк бор перипартал кардиомиопатия билан огриган беморларда юрак етишмовчилигининг стандарт даволаш фонида ва пролактин ингибитори бромокриптин билан биргаликда (махсус даво) клиник-гемодинамик ўзгаришлар пролактин юқори даражасига эга перипартал кардиомиопатия

билан оғриган беморларда бромокриптиннинг юқори самарадорлиги илк бор аниқланган;

илк бор перипартал кардиомиопатиянинг кечиши ва беморлар ҳаёт сифатига таъсир қилувчи морфофункционал предикторлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анамнез йиғиш, ЮЕ клиник симптомлари таҳлили юрак ремоделираниши хусусиятлари ва юрак ичи гемодинамика параметрлари билан боғлиқликда ПКМП эрта ташхисотига таъсир қилиши ва шу билан даволаш тадбирларининг мақсадли бўлишини таъминлаши исботланган;

ПКМП беморларида ташхисот ва даволаш тадбирлари тақдим этилган алгоритми шифокорларга ўз вақтида дори-дармонлар билан даволашни бошлашга имкон бериши, натижада беморлар клиник ҳолатини гемодинамика параметрлари ижобий динамикаси билан боғлиқликда яхшилаши ва касаллик нохуш яқунларининг сонини камайтириши исботланган;

тадқиқот давомида аниқланган нохуш яқун маркерларини клиник амалиётга кенг жорий этишга йўналтирилган тадбирлар умумий амалиёт шифокорларига, гинекологлар ва кардиологларга эрта ва узокдаги ПКМП асоратларининг хавфини етарлича камайтиришга имкон бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор-биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар асосида перипартал кардиомиопатияли беморларда морфофункционал ўзгаришлар ўзига хослиги ва медикаментоз коррекция имкониятлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ПКМП ривожланиши потенциал хавф омиллари бўйича баъзи янги ҳамда амалдаги маълумотларни тўлдириш билан изоҳланади, юрак ремоделираниши хусусиятлари бўйича клиник кўринишлар ҳамда пролактин даражаси билан боғлиқликдаги тадқиқот давомида ўрнатилган натижалар касаллик патогенетик механизмлари ҳақида назарий билимларни бойитади. Илк бор намоёиш қилинган ва исботланган аёлларда пролактин юқори даражаси билан бромокриптин клиник-гемодинамик самарадорлиги ПКМП имкониятлари ҳамда патогенетик даво юқори самарадорлиги ҳақида назарий билимларни асослайди.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти 3 триместрдаги хомиладорлар ва туғруқдан кейин биринчи 6 ойда аёлларда ПКМП ва юракнинг бошқа хасталикларида ЮЕ клиник-гемодинамик кўринишлари орасида қиёсий ташхисот ўтказишда барча учун осон текшириш мумкин

тадқиқот усуллари (ЭКГ, ЭХОКГ, умумий қон таҳлили, С-реактив оксил) зарурлиги ва юқори ахборотлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Перипартал кардиомиопатияли беморларда морфофункционал хусусиятларни ўрганиш ва медикаментоз коррекция бўйича олинган натижалар асосида:

«Перипартал кардиомиопатия. Ташхисот, даволаш, прогноз» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 сентябрдаги 8н-з/116-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада келтирилган маълумотларни амалиётда анамнез, клиник маълумотлар, умумий клиник ва стандарт биокимёвий қон таҳлиллари каби осон ҳамда қиммат бўлмаган клиник усулларни қўллаб амалга ошириш перипартал кардиомиопатияни ташхислашга имкон берган.

Перипартал кардиомиопатияли беморларда морфофункционал хусусиятларни ўрганиш ва медикаментоз коррекция бўйича олинган натижалар Тошкент ва Жиззах вилоятлари кардиологик диспансерлари клиник амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 8н-з/116-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши перипартал кардиомиопатия қиёсий ташхисоти ўтказишга, юрак етишмовчилиги стандарт даволаш ҳамда махсус препаратларни ўз ичига олган медикаментоз давони қулайлаштиришга имкон берган, бу эса клиник-гемодинамик кўрсаткичларга ижобий таъсир қилган ҳамда беморлар ҳаёт сифати ва прогнозини сезиларли яхшилаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифи келтирилган, диссертация ишининг Республика фан ва технология устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиш билан тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган,

тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби 3** та кичик бобдан иборат бўлиб, унда перипартал кардиомиопатияни аниқлаш ва ташхисот қилиш мезонлари эволюцияси, эпидемиологияси ва этиопатогенезининг назарий асосланиши, беморларнинг ҳаёт кечиши ва прогнозига таъсир этувчи омиллар бўйича адабиёт музокараси келтирилган бўлиб, шунингдек, перипартал кардиомиопатияли беморларда медикаментоз, жумладан махсус терапиянинг клиник-гемодинамик самарадорлиги ёритилган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва перипартал кардиомиопатияли беморларда ўтказилган тадқиқот услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморлар тавсифномаси; ўтказилган клиник, биокимёвий ва функционал тадқиқот стандартлари баён қилинди. Тадқиқот ишининг вазифаларига мувофиқ ҳолда ПКМП ли 93 та бемор текширилди. Солиштириш гуруҳини идиопатик дилатацион кардиомиопатия билан хасталанган 43 та аёл ташкил қилди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот дизайни.

Перипартал кардиомиопатия (ПКМП) ташхиси Европа кардиологлари жамияти (ЕКЖ) ПКМП бўйича Ишчи гуруҳининг 2010 йилдаги тавсияларига мувофиқ қўйилди.

«Дилатацион кардиомиопатия» ташхиси БЖСТ кардиомиопатиялар бўйича Ишчи гуруҳининг 1995 йилдаги мезонларига мувофиқ қўйилди.

ПКМП ли беморлар ҳаёти прогнозига таъсир қилувчи ривожланиш хавфи потенциал омиллари ва предикторлари ретроспектив ўрганилди. Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: юракнинг туғма ва орттирилган нуқсонлари мавжудлиги, бириктирувчи тўқималарнинг тизимли касалликлари, миокард ва перикарднинг яллиғланиш касалликлари.

Барча беморларда қоннинг клиник ва биокимёвий таҳлили, қон зардобдаги пролактин миқдори, электрокардиография, эхокардиография,

ЭКГ ни суткалик мониторинг, ҳаёт сифатининг Миннесота сўровномаси ва Мареев модификациясидаги клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ), 6 дақиқали пиёда юриш синамаси (ОДПЮС)ни ўз ичига олган ташхисотнинг лаборатор ва функционал услублари ўтказилди.

Стационарда ётган беморлар тузилмасида перипартал кардиомиопатиянинг учраши сонини баҳолаш учун РИКИАТМ ЮЕ ва МНК лабораторияси (раҳбар проф. Абдуллаев Т.А.) кузатуви остида бўлган ДКМП ли 780 та беморни ўз ичига олган ретроспектив текширув ўтказилди. Анамнез таҳлили, клиник-функционал тадқиқот услублари натижалари бўйича 93 та (12%) аёлга ПКМП ташхиси қўйилди. Стационар шароитида фармакологик терапия ўтказилди, жумладан, бромокриптин қўлланиши билан. Базис терапия ўз ичига: β -адреноблокаторлар (БАБ), ангитензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари (АЎФи), юрак гликозидлари, диуретиклар, альдостерон антагонистлари, зарурат туғилганда антикоагулянтлар ва антиаритмик препаратлар киритилди.

Бромокриптин (пролактин ингибитори) специфик терапия сифатида 10 кун давомида 2,5 мг дан суткасига 2 маҳал буюрилди.

Тадқиқотнинг такрорий босқичлари бирламчи госпитализациядан 10 кундан ва 1,3,6,12 ойдан кейин ўтказилди. Беморлар прогнози 5 йил кузатув давомида баҳоланди.

Кузатувнинг охирида беморларни чақириб, такроран текшириш ҳамда касаллик динамикасини ва ҳаёт прогнозини таҳлил қилиш йўли билан тиббий маълумот йиғилди. Ўлим оқибати билан тугаган ҳолларда беморнинг қариндошлари ёки унинг ўлими гувоҳлари билан суҳбат ўтказилди.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови персонал компьютерда «STATISTICA 6» дастурлари тўпламини қўллаган ҳолда бажарилди. Статистик хатоларга йўл қўймаслик мақсадида таҳлил клиник белгилар тақсимланишининг нормаллигини текшириш билан бирга олиб борилди. Иккита арифметик ўртача (назорат ва экспериментал) гуруҳларни таққослаш учун Стьюдентнинг t – синамаси қўлланилди. Кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини баҳолаш учун Пирсоннинг корреляция коэффицентини ҳисоблаб чиқарган ҳолда корреляцион таҳлил ўтказилди. Сифат белгилар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилигини таҳлил қилиш учун χ^2 мезони қўлланилди. Таққосланаётган гуруҳларда маълумотлар сони 30 дан кам ва битта гуруҳда 5 дан кам бўлган ҳолларда натижалар Фишернинг аниқ услуби билан текширилди.

Диссертациянинг учинчи «**Шахсий тадқиқот натижалари**» бобида ўтказилган тадқиқотнинг асосий натижалари ёритилди.

«ПКМП ривожланиши хавфининг потенциал омилларини баҳолаш» биринчи кичик бобида 93 та беморнинг текшириш натижалари тақдим қилинган. Потенциал хавф омилларининг учраши ва сони ўрганилди; демографик омил, ҳомиладорлик ва туғруқ билан боғлиқ бевосита экстрагенитал патология тавсифи тадқиқ қилинди (1-жадвал). Туғруқдан кейинги кардиомиопатияли беморлар кўпчилик ҳолларда туб аҳолига мансуб

шахслар (96%) бўлиб, худуд майдонида яшовчи осиёликлар 4% ни ташкил қилди, шу билан бирга ушбу касалликка чалинган европаликлар деярли учрамади. Респондентларнинг 54%и қониқарсиз ижтимоий шароитда яшаган. Яқин қариндошларида юрак ва қон томир патологияси, жумладан, туғма юрак нуқсони мавжудлиги 7 нафар ПКМП ли беморда аниқланди.

1-жадвал

ПКМП ли беморларда демографик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар		N	%
Этник ва ирқий келиб чиқиши	Европаликлар (руслар, украинлар, ва бошқалар)	0	0
	Осиёликлар (корейслар, хитойлар ва бошқалар)	4	4
	Туб аҳоли (ўзбеклар, қozoқлар, тожиклар ва бошқалар)	89	96
Ижтимоий ҳолати	қониқарсиз	50	54
	қониқарли	43	46
Қариндошларида ЮҚТ патологиялари		7	8

Тадқиқотимиз натижалари бўйича ПКМП ҳолларининг энг кўп тезланиши 20-30 ёшли беморларда қайд этилди (53,7%). Шу билан бир қаторда аёлларда 30 ва ундан катта ёшда ҳомиладорлик ривожланиши ҳоллари 43,9% ни ташкил қилди, бу эса аввал ўтказилган тадқиқотлар (Hilfiker-Kleiner D, 2014) билан мувофиқ келади. 20 ёшгача ПКМП бирорта ҳолда учрамади.

Адабиёт манбаларида муҳокама қилинган ва ПКМП ривожланишида аҳамиятга эга қуйидаги омиллар ҳомиладорлик ва туғруқ билан боғлиқдир. Биз томондан изчил таҳлил ўтказилган бўлиб, бу таҳлил 2-жадвалда тақдим қилинган.

2-жадвал

Ҳомиладорлик ва туғруқ билан боғлиқ хавф омиллари (n=93)

Кўрсаткичлар		N	%
Туғруқлар сони	1	34	37
	2	20	22
	3 ва ундан кўп	39	41
Кўп ҳомилалик		7	7
Презеклампсия ва гипертензия		25	27
Узоқ муддатли токолитик терапия (4 хафатадан кўп)		4	4

Анемия (Hb 120 г/л дан паст), n	52	56
---------------------------------	----	----

Аниқландики, ПКМП такрорий ҳомиладорликда 3 ва ундан кўп туғруқларда (41,4%) ва биринчи туққанларда (36,6%) кўпроқ қайд этилган. Кўп ҳомилали ҳомиладорлик 7,3% ҳолларда учради.

Преэклампсия ва гестацион гипертензия билан асоратланган ҳомиладорлик кечиши 27% ҳолларда қайд этилди. Кесар кесиш 18 (19,3%) ҳолатда амалга оширилган.

Экстрагенитал патология билан боғлиқ ҳолларнинг ярмидан кўпида анемия учраши аниқланди. Бундан ташқари, қалқонсимон без патологияси, аввал ўтказилган инфекция, семизлик ҳам учраган бўлиб, улар 15% дан ортиқ бўлмади.

Шундай қилиб, тадқиқотнинг ушбу фрагменти натижалари далолат берадики, касаллик ўрта ва кеч туғишга лаёқатли ёшда кўпроқ қайд этилган. Туб аҳоли вакили бўлган аёллар касалликка кўпроқ мойилдир, Ўзбекистон худудида яшовчи осиеликларда эса касаллик кам учраган. Ёндош патология сифатида анемия учраши юқори бўлган, бу эса бизнинг худудда ПКМП ривожланишига катта улуш қўшган бўлиши мумкин. Ҳомиладорлик даврининг преэклампсия ва АГ каби асоратлари, шунингдек, кўп туққан аёллар ПКМП ривожланиши потенциал хавфи гуруҳига киради.

«Клиник кўринишлар, ЭКГ даги ўзгаришлар, биокимёвий профиль ва юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлар ҳамда юрак ремоделланишининг ўзига хос хусусиятлари» иккинчи кичик бобда ПКМП ли беморларда морфофункционал ўзгаришлар масалалари ёритилган. Касалликнинг клиник кўринишлари қиёсий баҳоланган бўлиб, бунинг учун иккита гуруҳ шакллантирилди: 1-гуруҳни (асосий) ПКМП ли 68 та бемор ташкил қилди, 2- гуруҳ (таққослаш гуруҳи) аёл жинсига мансуб идиопатик ДКМП ли беморлар (n=43) (3-жадвал).

3-жадвал

Кардиомиопатияли беморларнинг клиник тавсифномаси

	I гуруҳ	II гуруҳ	P
Беморлар сони, n	68	43	
Ўртача ёши, йил	28,2±0,8	38,1±2,1	0,001
РИКИАТМ га тушгандан кейин кузатув давомийлиги, ой	49,7±4,5	51,6±6,8	>0.05
Касаллик симптомлари манифестациясидан бошлаб то РИКИАТМ га тушгунга қадар бўлган муддат, ой	6,9±1,04	14,8±2,1	0,000
Ўртача СЮЕ ФС	3,4±0,08	3,3±0,1	>0.05

Қайд этилишича, ПКМП ли беморларнинг ёши ўртача 28,2±0,8 ни ташкил қилган бўлиб, ДКМП ли беморлар гуруҳига (38,1±2,1 ёш) нисбатан ишончли паст бўлган (p <0,001). Кўпчиликда кузатилган ЮЕ нинг клиник

кўринишлари 50 та (74%) беморда туғруқдан кейин, улардан 30 тасида 3 ва ундан кўпроқ ойдан кейин ривожланган. Қайд этиш лозимки, 18 та (26%) аёлда касаллик ҳомиладорликнинг охириги триместрида манифестация қила бошлаган, бу эса 12 та ҳолда ҳомиладорликни тўхтатиш сабаби бўлган. ПКМП ли беморлар кўпчилигининг стационарга тушган вақтдаги клиник ҳолати оғир деб баҳоланган ва NYHA бўйича СЮЕ ФС нинг $3,4 \pm 0,08$ га мувофиқ келган.

Тадқиқотимизнинг кейинги фрагменти ПКМП ли беморларда ДКМП билан хасталаган аёлларга билан таққослаган ҳолда юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари ва юрак ремоделланишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

Перипартал ва идиопатик дилатацион кардиомиопатияли беморларнинг дастлабки маълумотлари

	ПКМП, n=68	ДКМП, n= 43	P
ЧҚ ОДЎ, мм	63,05±5,1	70,1±9,1	<0,05
ЧҚ ОСЎ, мм	52,2±6,2	59,2±9,0	<0,05
ЧҚ ОДХ, мл	198,5±9,3	271,6±12,3	<0,05
ЧҚ ОСХ, мл	131,1±76,3	180,8±90,3	<0,05
ЧБ, мм	38,7±7,3	44,1±2,8	<0,05
ЎБ, мм	36,8±9,2	39,2±9,3	>0,05
ЎК, мм	34,2±7,1	39,2±7,2	<0,05
ЧҚ ОФ, %	34,9±8,2	33,3±1,3	<0,05
ҚТ, мм	8,4±0,23	9,1±0,1	>0,05
ЧҚОД, мм	8,55±1,6	9,3±0,6	>0,05

Стационар текширувининг биринчи кунларида ўтказилган ЭхоКГ натижалари қуйидагиларни кўрсатди: юракнинг чизиқли кўрсаткичлари, охириги диастолик ўлчам (ОДЎ) гуруҳ бўйича $63,05 \pm 5,1$ мм ни ташкил қилди ва 54 мм дан 70 ммгача тебранди. Охириги систолик ўлчам (ОСЎ) гуруҳ бўйича ўртача $52,2 \pm 6,2$ мм ни ташкил қилди, энг кичик ўлчам 42 мм га, энг катта ўлчам эса 65 мм дан иборат бўлди.

Юракнинг ҳажмли кўрсаткичлари: охириги диастолик ҳажм (ОДХ) ўртача $198,5 \pm 9,3$ мл ни ташкил қилди ва 150 дан 295 мл гача тебранди, охириги систолик ҳажм (ОСХ) эса $131,1 \pm 76,3$ мл ни ташкил қилиб, минимал ҳажм 8 мл дан, максимал ҳажм 180 мл деб ўрнатилди. Юрак этишмовчилигининг оғирлиги анъанавий ҳолда ЧҚ миокарди қисқарувчанлик қобилятининг пасайганлиги билан шартланади ва ЧҚОФ бўйича баҳоланади. Отилиш фракцияси умуман гуруҳ бўйича $34,9 \pm 8,2\%$ ни ташкил қилиб, 22 дан 42 % гача чегарада бўлди, бу эса ESC мутахассислари томонидан ПКМП нинг классик таърифига мувофиқ келади.

ЭхоКГ кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилганда юракнинг чизиқли ва ҳажмли кўрсаткичларининг солиштириш гуруҳига нисбатан кичик

қийматлари аниқланди. Чап бўлмачанинг чизикли ўлчами қиймати ПКМП да 13% га, ЎҚ 13% га, ЧҚ ОДЎ 10% га камлиги қайд этилди, шу билан бирга ЧҚ ОФ кўрсаткичи гуруҳлар орасида деярли фарқларга эга бўлмади.

Шундай қилиб, ПКМП ли беморларда ЧҚОФ бўйича баҳоланган чап қоринча инотроп функциясининг пасайиши кўпчилик ҳолларда ЧҚ дилатациясидан ўзиб кетади. Умуман юмалоқ шаклга келиш, массанинг нисбатан ортиши фонида қоринчалараро тўсиқнинг ва ЧҚ орқа деворининг юпқалишиши ремоделланишнинг эксцентрик типи тўғрисида далолат беради.

Кўпчилик ҳолларда ЭКГ да синусли тахикардия қайд этилди ва фақат айрим ҳолларда бўлмачалар фибрилляцияси кузатилди. МКМП ли беморларда ЭКГ даги кўп учрайдиган патологик ўзгаришлар кўкрак ушланмаларида R тишчанинг ўсиши йўқлигидан, сохта Q тўлқинли ўзгаришлардан (12,7%) ва ГТЧО қамалидан (8,8%) иборат бўлди. Чап қоринчанинг авж олувчи дилатацияси авваламбор миокарднинг субэндокардиал қисмларининг чўзилиб кетишига ва «микронекрозлар» ривожланишига олиб келади, улар ўтказилган миокард инфаркти кўриниши таассуротини беради (Курбанов РД, Абдуллаев ТА, 2013). Реполаризация жараёнларининг бузилиши (T тишчанинг ўзгариши) чап қоринча зўриқишини акс эттирган ҳолда беморларнинг 1/3 дан кўпида кузатилди. ЭКГ ХМ ни қўллаш юрак ритми ва юрак ўтказувчанлигининг бузилишларини анча оширди. Қоринча аритмиялари 88% беморда қайд этилди, унинг юқори (хаётга хавф солувчи) грациялари эса 56% ПКМП ли беморларда кузатилди.

ПКМП ли беморларда биокимёвий таҳлилнинг кўпчилик кўрсаткичлари меъёрий чегараларда бўлади. Шу билан бирга биз томондан аниқландики, юқори сезгир С-реактив оқсил қиймати юқори, гемоглобин даражаси эса паст бўлган, бу эса гуморал соҳадаги ўзгаришларни акс эттиради ва бизнинг худудда ПКМП ташхисотининг баъзи бир махсуслигига эга бўлиши эҳтимолини яратади.

Учинчи «Стандарт терапия фонида ва бромокриптин препарати билан специфик терапия комбинациясидаги терапияда ЮЕ нинг клиник кўринишлари ва гемодинамика кўрсаткичлари динамикаси» бобида бромокриптин препаратининг специфик таъсирини баҳолаш учун беморлар 2 та бир хил гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – СЮЕ нинг стандарт терапияси (СТ) + бромокриптин (БК) (n=21) ва 2-гуруҳ - СЮЕ нинг стандарт терапияси (n=22). Бромокриптинни тайинлашда биз баъзи бир модификациялардаги Ганновер мактаби тавсияларига риоя қилдик ва қуйидаги схемада дозани пасайтириб бордик: 2 hafta давомида 2,5 мг дан суткада 2 марта, кейин дозани суткасига бир марта 2,5 мг гача камайтириб борган ҳолда 2 haftaгача қўлланилиши тайинланди.

ЭхоКГ текширувлари натижалари натижалари бўйича юрак ичи гемодинамикаси иккала гуруҳда ҳам кўпчилик кўрсаткичлар бўйича ишончли даражада ўзгаришларга эга бўлди. ЧБ ўлчамлари 1- ва 2-гуруҳларда назорат гуруҳи қийматларига нисбатан мувофиқ равишда 13% ва 2,5% га

кичрайганлиги аниқланди. Инотропия жараёни ва юрак ремоделланишига кўшимча улуш кўшувчи ўнг қоринча (ЎҚ) даги ўзгаришлар унчалик яққол ифодаланмаганлиги қайд этилди. ЎҚ ҳажмининг камайиши иккала гуруҳда ҳам 10% чегарасида бўлиб, ишончлилик даражасига етиб бормади. Ўпка артериясидаги ўртача босим (ЎАЎБ) динамикаси алоҳида эътиборга эга бўлиб, юқори ишончли даражада, яъни 1-гуруҳда 50% га ва 2-гуруҳда 45% га пасайганлиги кузатилди. Барча бу ўзгаришлар беморларда кичик қон айланиш доирасида мавжуд ифодаланган бузилишлар фонида қайд этилди (5-жадвал).

5-жадвал

Юрак ичи гемодинамикасининг даволашдаги динамикаси

Кўрсаткичлар	I гуруҳ, n=21		II гуруҳ, n=22	
	дастлабки	1 йилдан кейин	дастлабки	1 йилдан кейин
ОДЎ, мм	62,01±4,73	58,91±4,68*	65,30±6,01	63,33±10,07
ОСЎ, мм	51,23±5,79	43,55±6,96**	54,64±6,29	50,42±12,24
ОФ, %	35,18±8,05	51,18±10,28**	33,52±6,15	41,68±15,41*
ЧБ, мм	39,07±6,91	34,64±5,48*	40,05±5,85	39,67±6,54
ЎҚ, мм	34,00±6,38	30,45±5,45	36,00±11,43	33,53±10,48
ҚТ, мм	8,45±0,92	8,55±0,69	7,96±2,11	8,92±0,79*
ЧҚОД, мм	8,46±0,89	8,55±0,69	8,41±2,20	8,83±1,03
ЎАЎБ, мм сим.уст.	52,5±10,4*	25,1±6,6	45,2±12,2	25,2±4,2*

Дилатация ва ремодделанишни акс эттирувчи аҳамиятга эга кўрсаткич ЧҚ ОДЎ биринчи гуруҳда 62,01±4,73 мм дан 58,91±4,68 мм гача ишончли равишда 6,5% камайди, иккинчи гуруҳда эса ўзгариш унчалик сезиларли бўлмай, 65,30±6,01 дан 63,33±10,07 мм гача (3%) камайди ва ишончлилик даражасига етиб бормади. Систоланинг фаза тузилмасини акс эттирувчи ЭхоКГ нинг ЧҚОСЎ кўрсаткичи даволаш фонида назорат гуруҳи қийматларига нисбатан статистик аҳамиятга эга ижобий динамикага эга бўлди. Бунда бромокриптин қабул қилаётган беморлар гуруҳида ЧҚОСЎ 16% га, СТ қабул қилаётган беморларда эса 8% га камайди, бу ўзгаришлар шубҳасиз ижобий тавсифга эга бўлиб, гемодинамик бузилишлар мавжуд беморларда ЧҚ миокарди «гиподинамияси» ифодаланганлигининг камайиши ҳақида далолат беради.

Юракнинг чап ва ўнг бўлимлари бўшлиқ ичидаги ижобий ўзгаришлар ЧҚ систоласининг гемодинамик самарадорлиги, миокард қисқарувчанлик қобилятининг ўсиши билан бирга кузатилди ва ЧҚОФ биринчи гуруҳда 35,18±8,05 дан 51,18±10,28 % гача (ОФ ўсиши-45%), иккинчи гуруҳда 33,52±6,15 дан 41,68±15,41 % гача ортди (24%).

ПКМП ли беморларни медикаментоз даволаш, айниқса, бромокриптин махсус препаратини қўллаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда биз томондан тадқиқотлар давом эттирилди, бунда тадқиқот мақсади пролактиннинг турли даражаларида препаратнинг клиник-гемодинамик кўрсаткичларга таъсирини баҳолашдан иборат бўлди. Қондаги пролактинининг дастлабки даражасига кўра 2 та гуруҳ шакллантирилди: 1-гуруҳга пролактиннинг дастлабки даражаси нормал қийматлардан юқори бўлган беморлар киритилган бўлиб, пролактин даражаси ўртача $43,35 \pm 23,27$ нг/мл ни ташкил қилди ($n=13$). Иккинчи гуруҳга пролактин даражаси нормал ($11,86 \pm 5,30$ нг/мл) бўлган беморлар ($n=8$) киритилди. Гуруҳлар ad hoc таҳлили билан бирга шакллантирилди.

6-жадвал

Пролактин даражаси юқори бўлган беморларда бромокриптин билан даволашда гемодинамика кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Дастлабки	1 йилдан кейин	P	Δ %
САБ (мм сим.уст.)	$102,31 \pm 14,81$	$107,3 \pm 10,4$	0,329	5
ЮҚТ (зарб/мин)	$84,08 \pm 13,60$	$70,3 \pm 9,2$	0,006	16,1
ЧБ (мм)	$38,58 \pm 5,54$	$30,67 \pm 4,08$	0,000	20,5
ОДЎ (мм)	$60,19 \pm 2,88$	$56,67 \pm 4,08$	0,019	6
ОСЎ (мм)	$49,00 \pm 4,02$	$40,17 \pm 6,97$	0,000	18
ОФ (%)	$37,23 \pm 8,31$	$55,23 \pm 11,62$	0,000	48

Пролактин дастлабки даражаси юқори бўлган беморларда СТ нинг БР билан биргаликдаги клиник-гемодинамик самарасини баҳолаш натижалари бўйича таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг аҳамиятли ўзгаришлари қайд этилди (6-жадвал). Даволаш фонида ЮҚТ нинг унча катта бўлмаган, бироқ (16% га) статистик ишончли пасайиши кузатилди, САБ нинг ўртача қийматлари эса 5% га ортди.

Юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларининг динамикаси яққол ифодаланган бўлиб, қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди: юрак бўшлиқларининг ишончли кичрайиши – ЧБ - $38,58 \pm 5,54$ мм дан $30,67 \pm 4,08$ мм гача ($\Delta=20,5\%$) ($p=0,000$), ОДЎ – $60,19 \pm 2,88$ мм дан $56,67 \pm 4,08$ гача ($\Delta=6\%$) ($p=0,019$), ОСЎ - $49,0 \pm 4,0$ дан $40,7 \pm 6,9$ гача (18%). Юрак бўшлиқларининг кичрайиши даволашнинг юқори антиремоделловчи фаоллиги тўғрисида далолат берган ҳолда ЧҚ систолик функциясининг яхшиланиши билан бирга кузатилди, бу эса ОФ нинг $37,23 \pm 8,31\%$ дан $55,23 \pm 11,62\%$ гача юқори ишончли равишда ортишида акс этди ($\Delta=48\%$) ($p=0,000$).

Иккинчи гуруҳда даволаш самараси бунчалик ифодаланган бўлмади; ЧБ ўлчамлари ўзгармади ($39,88 \pm 9,09$ мм ва $39,40 \pm 1,52$ мм, ($\Delta=0$), $p=0,884$), ЧҚ ОДЎ назорат қийматларига нисбатан бироз кичрайди ($64,98 \pm 5,80$ мм ва $61,60 \pm 4,16$ мм ($\Delta=5,3$) $p=0,202$). Динамикада аҳамиятга эга статистик

ишончли ўзгаришлар ЧҚОСЎ да рўй берди (31,84±6,80 % дан 47,12±7,59% гача ($\Delta=32,5$) $p=0,000$) (7-жадвал).

7-жадвал

